


Ҳадис ва Ҳаёт-35 (Мр3)



05:00 / 09.03.2017 4874

Ҳадис ва Ҳаёт-35 (Мр3)

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг «Зикр, дуо, истиғфор ва тавба» деб номланган 35-жузи ёзилган аудиодисклар савдога чиқарилди.

Туркумининг ушбу жузи дийнимизнинг энг гўзал, энг нозик жиҳатларига – Аллоҳ таолонинг зикрига, У Зотга дуо қилиш, гуноҳларга истиғфор айтиш ва улардан тавба қилишга бағишланган. Ушбу аудиокитобни тинглаб, зикр, дуо, истиғфор ва тавбанинг моҳияти, ҳикматлари, одоблари ва тартиб-қоидаларини ўрганасиз. Шунингдек, зикрнинг маълум лафзларни кўзни юмиб олиб такрорлашдан кўра улкан нарса эканлигини, дуо ҳам оят ёки ҳадисда келган ибораларни ёки ўзи тўқиган сўров маъносидаги сўзларни

икки қўлни кўтариб талаффуз қилишдан кўра умуман бошқа бир ҳол эканини, истиғфорнинг фойдалари жуда кўп эканини ва тавбанинг ҳақиқати нимадан иборатлигини ҳам билиб оласиз.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи: «Ҳадис ва Ҳаёт». 35-жуз. «Зикр, дуо, истиғфор ва тавба» (CD MP3)

Нашриёт: «SEMURG' MEDIA» MChJ

Сана: 2011 йил

Ҳажми: 748 дақиқа

Нархи: 2500 сўм

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитанинг 83-сонли тавсияси ила нашр этилган

Мурожаат учун телефон: **(+998 71) 216 29 27**

1. Зикр, дуолар, истиғфор ва тавба китоби.
2. Зикр ва зокирлар фазли ҳақида.
3. Аллоҳнинг гўзал исмлари
4. Исмул Аъзам
5. Тасбеҳ, ҳамд, такбир ва таҳлилнинг фазли
6. Тасбеҳни санаш ва тасбеҳнинг асли
7. «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи жаннатнинг хазиналаридандир
8. Намоздан кейинги зикр ва тасбеҳ
9. Намоздан кейинги жамоъий дуо
10. Жамоат ила дуо қилиш
11. Эрталаб ва кечқурунги тасбеҳ ва зикр
12. Зикрнинг фойда ва самаралари
13. Зикрнинг сийғалари
14. Зокирнинг одоблари
15. Дуонинг фазли
16. Дуо одоблари
17. Мақбул дуо
18. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига қилган дуолари
19. Жамловчи дуолар
20. Паноҳ сўраш калималари ҳақида
21. Мушқули борнинг дуоси
22. Сафар ва ундан қайтиш дуоси

23. Видолашув дуоси
24. Ҳар бир манзилга тушиш дуоси
25. Мажлисдан туриш дуоси
26. Хўроз қичқирганда ва эшак ҳанграганда айтиладиган қавл
27. Уйдан чиқиш ва унга кириш дуоси
28. Ёмғир, шамол ва момақалдирокдаги дуо
29. Ҳилолни кўргандаги дуо
30. Мева нишонасини кўргандаги дуо
31. Қўрқинч ва уйқусизликни ман қилувчи дуо.
32. Қарзни узиш дуоси
33. Балога учраганни кўргандаги дуо
34. Беморнинг дуоси
35. Бозорга киришдаги дуо
36. Ёд олиш дуоси
37. Дуонинг одоблари
38. Набий алайҳиссаломга саловот
39. Хулоса
40. Истиғфор ва тавба ҳақида
41. Хулосалар
42. Тавба ва унинг фазли
43. Тавбанинг вақти
44. Гар бандаси исроф қилган бўлса ҳам Аллоҳ тавбасини қабул қилур
45. Хулоса
46. Тавбанинг ҳақиқати
47. Тавба умр бўйи
48. Тавба қиссалари
49. Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳунинг тавбаси.
50. Иброҳим ибн Адҳамнинг тавбаси
51. Фузайл ибн Иёзнинг тавбаси
52. Маҳзунлик сафари
53. Куфада
54. Аллоҳ таолонинг раҳматининг кенглиги ҳақида